
Учкўприка ўтказилган семинарда 53 нафар аёллар касбга йўналтирилди

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Фарғона вилояти кенгаши ҳамда Учкўприк тумани ҳокимлиги ҳамкорлигига туманни хотин-қизлар ўртасида ишсизликдан холи ҳудудга айлантириш дастури ижроси доирасида ишсиз хотин-қизлар, фаол тадбиркорлар ва иш берувчиларнинг мулоқот учрашуви ташкил этилди.

Қўйон эркин иқтисодий зonasида бўлиб ўтган мулоқотда туман ҳокимлиги вакиллари, тадбиркорлик субъектлари раҳбарлари томонидан мавжуд бўш иш ўринлари ҳақида маълумотлар берилди.

Мотиватор-психолог Раънохон Бўтабоева иштирокида ўтказилган психологик семинар-тренингда хотин-қизлар билан оиласвий тадбиркорлик фаолиятини бошлиш ва шахсий муваффақиятга эришиш борасида фикр алмасилди.

Шунингдек, ишга жойлашиш истагида бўлган хотин-қизлар "Бобошбек" ишлаб чиқариш ва савдо комплексида бўлиб, тадбиркорлар томонидан ишчиларга яратилган шароитлар билан бевосита танишдилар.

Тадбиркорлик субъектлари вакиллари билан учрашув давомида 53 нафар ишсиз хотин-қизлар муносиб иш ўринларини танлаган бўлса, 6 нафари шу ернинг ўзидаёқ тикувчилик цехларига ишга жойлаштирилди.

2023-11-27 10:09:32